

Умар ибн Абдулазизнинг камтарлиги



08:01 / 31.01.2020 3176

Авзоийдан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазиз ҳар куни ўз мол-мулкидан муслмонлар таоми учун бир дирҳам ажратар, сўнгра ўзлари ҳам улар билан бирга ер эдилар. Зиммийларнинг^[1] олдига борсалар, улар у зотга сут, ўсимликлар ва шунга ўхшаган маҳсулотлардан ўзлари - тайёрлаган таомлардан беришарди. Умар ибн Абдулазиз зиммийларга улар берган таомдан ҳам кўпроқ таом берар ва улар билан бирга қўшилиб ер эдилар. Агар зиммийлар у зот берган нарсаларни қабул қилишмаса, ўзлари ҳам ундан емас эдилар. Бироқ муслмонлар бирон нарса берса, уни зинҳор қабул қилмасдилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан

[\[1\]](#) Мусулмонлар яшайдиган ҳудудда жони омонда бўлиши учун солиқ тўлаб яшайдиган бошқа дин вакиллари. Зиммийлар мусулмон давлатнинг ҳимоясида бўлишган.